

shunday fikriy o'zgarish, ongni yangi g'oyalar bilan boyishi negizida vujudga keldi. Jadidchilik fenomenini ham sharq, ham g'arb madaniyatini bilish bilan tavsiflanadigan o'ta yuqori aqliy salohiyat tashkil etdi [10:11]. Ma'naviy-ma'rifiy jihatdan yuksak aql sohibi bo'lgan jadidlar ma'rifatchilik orqali har qanday insonni kamolotga yetkazish, inson ongini yuksaltirish mumkinligiga ishonidilar va o'z harakatlarini ham, eng avvalo, insonlarga ma'rifat tarqatishga yo'naltirdilar.

Ma'rifatchilik harakatini keng yoyilishida, shubhasiz, jadid matbuotining hissasi beqiyos bo'ldi. Rossiya imperiyasi tarkibidagi musulmon xalqlarini uyg'otishda 1905-yilga qadar "Tarjimon" gazetasi asosiy vositachi vazifasini bajargan bo'lsa, undan keyin 30 dan ortiq musulmon gazeta va jurnallari nashri yo'lga qo'yildi [1]. Gazetalarning eng ko'zga tashlanadigan sahifalarida maktab muammolari yoritildi. Ularda turli uslubdagi rivojlangan davlatlar ta'lim tizimi tahlil qilindi. Xususan, "Sho'ro" jurnalining 1914-yilgi sonlaridan birida Amerika, Angliya va Germaniyadagi ta'lim tizimi haqida foydali ma'lumotlar taqdim etilgan edi [4:342-344]. Undan ma'lum bo'lishicha, Amerikada 4 bosqichda davom etadigan 12 yillik maktab ta'limida o'quvchilarga shaxsiy tashabbuskorlik ruhi singdirilgan. Har bir bola o'zi istagan maktabda o'qish huquqiga ega bo'lgan. Maktablarda o'g'il va qiz bolalar aralash o'qitilib, dars davomida hech qanday jazo qo'llanilmagan. Ayni paytda, uyda o'qitishga ruxsat berilmagan. Angliyada xususiy maktab ta'limi keng rivojlangan. Shuning uchun oddiy xalq bolalarining ko'pchiligi maktablarda o'qish imkoniyatiga ega bo'la olmagan. Lekin, 1911-1912-yillardagi islohot natijasida davlat tomonidan oddiy xalq bolalari uchun boshlang'ich va o'rta ta'lim olish imkoniyatlari kengaytirilgan. Natijada, boshlang'ich maktablardan o'rta maktablarga kirib o'quvchi oddiy xalq bolalari soni 91 mingga yetgan. Germaniya maktablarida esa tartib, itoat, milliy g'urur,

qo'rqmaslik tarbiyaning negizi sanalgan. Boshlang'ich ta'lim barchaga majburiy bo'lgan. O'sha davrda Rossiyada xizmatga olinadigan har 100 ming kishidan 60 mingga savodsiz bo'lsa, bu ko'rsatkich Germaniyada 4 taga to'g'ri kelgan. Bu kabi ma'lumotlar bilan tanishish, tabiiyki, millatning ilg'or ziyolilarining ongini o'zgartirmasdan qolishi mumkin emasdi.

Rossiya imperiyasining bosqinidan keyin o'lkaga kirib kelgan yangi shakldagi bozor munosabatlari yangi malaka va ko'nikmalarga ega bo'lgan kishilarga ehtiyojni yuzaga keltirdi. Rossiya bilan o'zining savdo muomilasida savodlik xodimlarga muhtoj bo'lgan va shuning bilan birga o'z bolasini rus missionerlari tomonidan ochilgan rus-tuzem maktablariga berishni xohlamagan milliy burjuaziya tashabbusi bilan ta'lim tizimida o'zgarishlar yuz berishi hayotiy zaruriyatga aylanib qoldi [6]. Farg'onalik mashhur jadid taraqqiyparvari Is'hoqxon to'ra Ibrat ta'biri bilan aytganda "madaniyat uchun har qaysi vaqtdagi o'z ilmini, ya'ni zamona ilmini qaysi rivojda bo'lsa, oni bilmak" [8:8] zaruriyati anglab yetildi.

Demak, yuqoridagilardan xulosa qilinsa:

- Turkiston mintaqasida aholini ruslashtirishga qaratilgan mustamlakachilik siyosati;
- ilg'or ziyolilarning dunyoning turli hududlariga qilgan sayohatlari davomida G'arb va Sharq olami yangiliklari bilan tanishuvi;
- Sharqda boshlangan uyg'onish harakati;
- taraqqiyparvarlik ruhidagi jadid matbuotida ma'rifatchilik masalalarining keng tahlil qilinishi;
- kapitalistik bozor munosabatlari sharoitida ish olib bora oladigan yangi bilimga ega mutaxassislar bo'lgan ehtiyoj o'lkada yangi ma'rifatchilik harakatining yuzaga kelishi va milliy ta'lim tizimi isloh qilinishida muhim omillar bo'lib xizmat qildi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Milliy arxivi. I-461 fond, 1-ro'yxat, 961-ish, 14-varaq.
2. Otabekuf. Usuli jadid maktablari haqida. / "Turkiston viloyati" 1900.13-may.
3. Yovishev N. Sayohat parchalari. / "Sadoyi Turkiston". 1914. 12-may.
4. Amerikada maktab, Angliya va Germaniya maktablari. // "Sho'ro". 1914. 1-iyun.
5. Turkistonda maktab masalasi. // "Sho'ro" 1917. 1-sentabr.
6. Feodorov. 1905 yil va yerlik xalq. / "Qizil O'zbekiston". 1925. 18-dekabr.
7. Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. -Ташкент: 1896. -С.88.
8. Исхоқхон Тўра Ибраг. Тарихи Фарғона. -Тошкент: 2005, 199- 6.
9. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). -Ташкент: 1997. -С.197.
10. Алимова Д.А. Жадидчилик феномени. -Тошкент: 2022. 272-6.
11. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиш тарихи ва тарихшунослиги очерклар. Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. -Тошкент: 2015. 243-б.

REZYUME. Ushbu maqolada Turkiston mustamlakaga aylantirilgach milliy ta'lim tizimida amalga oshirilgan siyosati ochib berilgan. Jadidchilik harakatining ta'limni isloh qilishga birinchi darajada e'tibor qaratish sabablari ko'rsatib o'tilgan. Milliy ta'lim tizimi yuz bergan o'zgarishlar tahlil qilinib, dalillarga asoslanib umumiy xulosalar chiqarilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье раскрывается сущность колониальной политики туркестанской образовательной системы. Показаны причины, по которым джаиды обращают внимание на реформу образования. Анализируются изменения в национальной системе образования и заключаются на основе исторических фактов.

SUMMARY. In this article explanines essence the colonial politics of Turkestan educational system. It is shown reasons why jadids pay attention to reform education. Changes in the national education system are analyzed and general conclusions are drawn based on the historical facts.

ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ВА ХОРАЗМНИНГ КАДИМГИ ДАВРДАГИ ҚУРОЛСОЗЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

Б.Қ.Турганов – тарих фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Жанубий Оролбўйи, Хоразм, антик давр муаллифлари, сак ва массагет кавмлари, ҳарбий ишлари, қурол - аслаҳалари, камон, ханжар, совут ва ҳарбий болталар, Эрон ахамонийлири армияси, юнон-форс урушлари.

Ключевые слова: Южное Приаралье, Хорезм, авторы античного периода, племена саков и массагетов, военное дело, вооружение, луки, кинжалы, доспехи и боевые топоры, Ахеменидская армия, греко-персидские войны.

Key words: South Aral Sea, khorezm, ancient authors, tribes of Saks and Massagets, military affairs, weapons, bows, daggers, armor and battle axes, Achaemenid army, Greco-Persian wars.

Жанубий Орол бўйи ва Хоразм халқларининг қуролсозлик хунармандчилиги тарихи қадимий илдишларга эга бўлиб, минтақа халқларининг серкирра ва бой ўтмиш маданиятининг муҳим таркибий қисмини

ташқил қилади. Ҳали давлатчилик пайдо бўлмаган бронза даврларидаёқ, Жанубий Оролбўйи ҳудудида яшаган турли қабилалар ташқи душманлардан ўзларини ҳимоялаш мақсадида бирлашмаларга уюшганлар,

ўқ-ёйлар, ханжар, пичоқ, чўқмор ва бошқада қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган ҳамда ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида қурол-аслаҳалардан фойдалана бошлаганлар.

Бронза даврига оид Тозабогёп маданияти (мил. авв. 2 минг йилликнинг иккинчи ярми) металсоз усталар томонидан кўплаб металл буюмлар қаторида, қурол-яроғларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу маданиятга оид Кўкча 15А маконидан сопол қозон (тигель), Жонбос 21 макони 2-ўйдан найза тиғининг қолипи топилиши қуролсозлик маҳсулотлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган, деган хулосани тўла тасдиқлайди [5:128,131]. Зўғотали найза учи тиғининг тош қолипи узунлиги 24 см, шундан тиғ қисми 11,5 см, зўғотаси 12,5 см. Қолип япроксимон найза учи шаклида ишланган, марказидаги энг кенг жойи 3,2 см.

Устахонадаги қўйиш учун кичик чўмич ва тош қолиплар – бронза буюмлар уй шароитида тайёрланганлигидан далолат беради. Қолиплар учун юмшоқ қумтош ва тальк ишлатилган – шу тарзда тошда керакли шаклни солиш қулай бўлган. Бундай қолипларни бир неча маротаба ишлатиш мумкин бўлган.

Жонбос–21 маконидаги 1–2 уйлардан бир тиғли ва думли бронза пичоқлар топилган [5:128]. Сўнгги бронза даврига оид Амиробод маданияти маконларида даста ўрнатилган думли пичоқлар яшаш анъаналари шаклланади.

Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. II минг йиллик охири – сўнгги бронза даврида ва мил. авв. IX – VIII асрлар – темир асрига ўтиш даврида Жанубий Оролбўйи ва Хоразмда ҳам қурол–яроғларнинг хилма-хил турлари – бронза ханжарлар, катта ва кичик найзалар, камон ўқи учлари, тошдан ясалган гурзилар ва палахмондан отиш учун мўлжалланган тош ўқлар кенг тарқалган ва буларни маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бу даврдаги Амиробод маданиятига оид Якка–Парсон 2 маконидаги "Қўйувчилар уйи" қазиб ўрганилганда, бу жойдан бронза буюмларни қўйиш учун икки томонли тўртта тош (сланец) қолиплар ва сопол идиш (тигел)лар топилган [4:120-122]. Тош қолиплардан иккитаси камон ўқи учларини қўйишга мўлжалланган. Шунингдек, ушбу ёдгорликдан учта шаклдаги ўқ учлари топилган. Улардан бири япроксимон, учи бирмунча кенг бўлган, зўғотали ўқ учи ҳисобланади, аҳамиятли томони шундаки, "Қўйувчилар уйи"дан ушбу шаклдаги ўқ учларини қўйишга мўлжалланган қолип топилган [4:120-122]. Бундай ўқ учлари мил.авв. II минг йиллик охири – I минг йиллик бошида кенг тарқалган.

Илк темир даврига оид Сарикамиш хавзасидаги Қўйисой маданиятида ёки саклар жамиятида ҳарбий қурол–аслаҳаларни ишлаб чиқариш соҳасида муҳим ютуқларга эришади [11:160]. Бу даврда қабила аъзоларини зарурли қурол–яроғлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мил. авв. VII–VI асрларга оид жангчи саклар суворийларининг қабрларидаги дафн анжомлари бўлган қурол–яроғлар ва от анжомлари бундан далолат беради. Ушбу қурол–аслаҳалар ва от анжомлари ихтисослашган қуролсозлик тармоқларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Сак ва массагет қабилаларига тааллуқли Оролбўйи ва Қўйисой маданияти ёдгорликларида бронза – темир ойболталар («сагарис»), калта ханжарлар («акинак») ва турли ўқ учлари топилган. Жумладан, Қўйисой маданиятига оид Қўйисой–2, Яссиқир, Сакарчага, Тумек–Кичижик мазор–қўрғонлари, Тармқоя қишлоғи ва қабристонларида металл буюмлардан бронза ўқ учлари энг кўп учрайдиган топилмалар сирасига киради [1:67-70]. Уларга ўхшаш бронза ўқ учлари Ўрта Осиёдаги мил.

авв. VII–VI асрларга оид ўтроқ ва кўчманчилар маданиятларида кўплаб учрайди.

Айниқса, Жанубий Оролбўйи минтақасида мил.авв. VII–VI асрларда илк Хоразм давлатининг шаклланиши жараёнида ҳарбий санъат ва қурол–аслаҳалар соҳасида турлича янгилıklar намоён бўла бошлайди, ўша даврдан қуролсозлик ихтисослашган соҳага айланади. Сабаби бу даврда ҳарбий қўшинларни ташкил этиш аҳамияти ортиб боради, махсус қуролланган отлик ва пиёда қўшин қисмлари пайдо бўлади. Жамиятда жангчилар ва ҳарбий йўлбошчиларнинг ижтимоий мавқеи кучайиб боради.

Бу даврда Жанубий Оролбўйида турли этник гуруҳлар – кўчманчи, ярим ўтроқ, ўтроқ қабилалар жойлашган. Улардан сак-массагетлар ва хоразмликлар қурол–аслаҳалари ва ҳарбий салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар қадимги форс битиклари ва юнон тарихчилари асарларида тилга олинган.

Қадимги Персепол шаҳрида Эрон подшолари Доро I ва Ксеркс саройи деворларидаги ўйиб ишланган бўртма иловаларда алоҳида гуруҳлардан иборат турли халқларнинг Аҳамонийлар ҳукмдорларига ўлпон келтириш манзаралари мавжуд. Ўн еттинчи гуруҳ хоразмликлар бўлиб, уларнинг дудам ханжар, жанговар ойболта, билағузуклар ва от олиб келаётган ҳолати тасвирланган. Персепол саройи бўртма манзараларидаги хоразмликлар ва сака тиграҳаудалар тасвирлари мазмунида (қиёфа, усти боши, қурол-яроғлар, отларнинг етаклаб келиши) эътиборга молик тафовутлар деярли йўқ.

Бу эса архаик ва антик даврда Жанубий Оролбўйидаги хоразмликлар ва сакларнинг қурол-аслаҳалари бир-бирига ўхшаш бўлганлигини кўрсатади.

Юнон тарихчиси Геродот (мил.ав. V– аср) массагет қавмлари тўғрисида «Уларнинг барча буюмлари, асбоб–анжомлари олтин ва мисдан ишланган. Найзалари, камон пайконлари, ҳарбий болталари мисдан, бош кийимлари, камарлари олтин билан безатилган. Отларнинг устидаги барғустувони (совути) ҳам мисдан тўкилган» - деб маълумотлар беради [3:21]. Хоразмга қўшни сак ва массагетларнинг жанговар сафлари суворий ва пиёда жангчилардан тузилган. Уларда қўшиннинг асосий қисмини суворий–камончилар ташкил этган, жангда сагарис – ҳарбий ойболта ва акинак – ханжарлардан фойдаланишган.

Милоддан аввалги VI-V асрларда Хоразмни Аҳамонийлар давлатининг бир қисми сифатида кўриш мумкин. Хоразмликлар мил. авв. 530-522 йилларда Аҳамонийлар подшоҳлари Камбиз (мил. авв. 525-486 йй.) да Мисрга ва Ксеркснинг (486-465 йй.) мил.ав. 480 йилги Грецияга қарши ҳарбий юришларида қатнашган [2:66].

Геродот асарида хоразмликларни 2 марта тилга олади [1:66]. Улардан бирида Геродот шоҳ Ксеркснинг қўшинида хоразмликларни жангчилар сифатида келтиради: «Парфияликлар, хоразмликлар, сўғдлар, гандарийлар ва дадиклар бактрияликларнинг қуролларига ўхшаган яроғ-аслаҳалари билан ҳарбий юришни бошлаганлар» [9:231-232].

Хоразмликларнинг ҳарбий салоҳияти ҳақида кейинги манбалар Македониялик Александр юришлари даврига тўғри келади. Аррианнинг ҳикоя қилишича, мил. авв. 328 йилда Александрнинг хузурига “1500 суворий билан бирга хоразмийлар шоҳи Фарасман келади” [7:41]. Бу даврда Хоразм давлати ҳарбий салоҳиятининг кучайиши кузатилади.

Ёзма манбалар, қоятошлардаги тасвирлар, нумизматик ҳамда археологик материаллар шуни кўрсатадики, архаик даврда хоразмлик ва сак жангчилари камон, ханжар, қилич ёки найза, жанговар болта каби қурол-аслаҳалар билан қуролланишган, ўзлари ва отлари зирҳли совутларда ҳимояланишган.

Архаик даврдаёқ Хоразмда металл пластиналар совутлар пайдо бўлганлигидан Хумбузтепа (мил. авв. VI–IV аср), Жонбосқалъа ёдгорликларида қайд қилинган сопол сувдонлардаги тасвирлар тўла гувоҳлик беради. Уларнинг ташқи юзасида тиззасигача тушадиган пластиналар совут қийган найзали суворийнинг бўртма тасвирлари акс эттирилган [6:30]. Бунга ўхшаш тасвирлар Қўйқирилганқалъадаги тўртта идишдан топишган.

Бу даврда қурол – аслаҳалар таркибида темир пластиналар совутларнинг пайдо бўлиши архаик даврдаёқ қуролсозлик соҳаси ихтисослашганлигидан ва ҳарбий соҳанинг тараққий қилганлигини тўла тасдиқлайди. Жумладан, мил. авв. VI–V асрларда хоразмликлар – массагетлар қўшинида оғир қуролланган отлик найзабардор ва катафрактарийлар пайдо бўлиши, зирхли совутларнинг темир пластиналари Чирикработ, Тупроққалъа ва Қўхнаўаз қалъаларида топилиши бунинг яққол далилидир [10:77-100, 225-226]. Бу даврда суворийларнинг зирхли совутлари ҳамда отлар учун совутларнинг пайдо бўлиши қуролсозлик соҳасидаги йирик кашфиётлардан бири бўлди.

Қадимги Хоразм ва Оролбўйида Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан суворийлар ва уларнинг отларида металл пластиналар зирхли совутларнинг бирмунча олдин пайдо бўлиши, катафрактарийлар деб аталувчи оғир қуролланган қўшиннинг шаклланиши кейинги даврда Парфия, Юнон–Бактрия ва Қанг давлатларида қуролсозлик соҳасида янги турдаги қурол–аслаҳаларнинг вужудга келишига асос бўлган [8:103-107].

Мазкур маълумотлар архаик ва антик даврларда қуролсозлик ва ҳарбий соҳага оид ихтиролар, билимлар

ва қўникмалар билан тажриба алмашиш даражаси юқори бўлганлигини кўрсатади

Манбалардаги маълумотлар асосида ҳулоса қилиш мумкинки, мил. авв. VI–V асрларда Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари хоразмликлар ва саклар Ахамонийлар давлати ҳарбий юришларида (юнон–форс урушлари) иштирок қилишган. Ушбу сиёсий воқеалар минтақа халқларининг ҳарбий тактик салоҳиятининг ошишига, қурол–аслаҳаларидаги инновацион ўзгаришларга ва қўшин тузилишига маълум даражада таъсир қилган. Антик даврда Хоразмда ҳужум ва ҳимоя қурол–аслаҳалари эга бўлган катафрактарийлар қўшини ташкиллаштирилган.

Археологик ва ёзма манбалардаги маълумотлар Хоразм ва Оролбўйи ҳудудлари қилич ва найза, қалқон, пластиналар совут ва металл дубулға билан ҳимояланган катафрактарийлар қўшини илк бора ташкил қилинган марказлардан бири сифатида кўриб чиқишга етарли барча асослар мавжуд.

Хоразмда қурол–аслаҳа турлари ривожланиш динамикаси ва географияси Орол денгизи ва Сирдарё бўйи қўчманчи қабилалар билан узвий боғлиқликдаги жараён ҳисобланади.

Демак, мил. авв. VII–VI асрларда (илк темир даври) Хоразм ва Оролбўйида қўчманчи қабилалари ҳарбий уюшмаларининг вужудга келиши ва ўтрок аҳолининг илк давлатчилик тузумига ўтиши даврида қурол–аслаҳаларни яшаш янги босқичга кўтарилиб қуролсозлик ихтисослашган соҳага айланган. Бу даврда хоразмликлар ва сак–массагетлар томонидан ўткир тигли найза, ханжар, жанговар ойболта, гурзи, жанговар суворийларга ҳамда уларнинг отларига зирхли совутлар яшашган.

Адабиётлар

1. Вайнберг Б.И. Памятники куясайской культуры. // Кочевники на границах Хорезма. Тр.ХАЭЭ. XI. -М.: 1979. -С. 7-76.
2. Геродот. История. В девяти книгах / Перевод и примеч. Г.А. Стратановского. – Л.: «Наука», 1972. – Кн. VII. –С.600.
3. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. — III в. н.э.). Хрестоматия. -Ташкент: Гостехиздат УзССР. 1940. –С.172.
4. Итина М.А.Поселение Якке–Парсан 2 (раскопки 1958–1959 гг.) // МХЭ. Вып.VI. – М.: 1963.– С. 107–129.
5. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья: (II начало I тысячелетия до н.э.).–М.: «Наука», 1977. – С.240.
- ил. (ТХАЭЭ. Т. X).
6. Мамбетуллаев М.М. Рельефное изображение всадника на керамической фляге из Хумбузтепе СА. – М.: 1977. № 3. – С.29 - 39.
7. Пьянков И.В. Хорезм в античной письменной традиции. Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре. – Душанбе: «Дониш», 1983. –С. 38-56.
8. Пугаченкова Г.А. Образы юэчжийцев и кангюйцев в искусстве Бактрии и Согда. // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 1989. – С. 96–111.
9. Струве В.В. Поход Дария I на саков – массагетов. // Известия АН СССР. – М.: 1946. № 3. – С. 231-250.
10. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. 352 с +87 табл.
11. Яблонский Л. Т. Саки Южного Приаралья: (археология и антропология могильников)/ РАН. Ин-т археологии. - М. : ТИМП, 1996. –С. 185.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида қадимги даврдаги Жанубий Оролбўйи ва Хоразмнинг қуролсозлик ҳунармандчилиги ўрганилган. Минтақада бронза давридаёқ қурол–яроғларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мил. авв. VII–VI асрларда Хоразм ва Орол бўйларида қурол – аслаҳаларни яшаш ихтисослашган соҳага айланади. Бу даврда қуролсоз усталар томонидан қалқон, ханжар, қилич, найза, жанговар болта каби қуроллар билан бир каторда суворийлар ва уларнинг отлари учун зирхли совутлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе письменных источников и археологических материалов изучена оружейное ремесло Южного Приаралья и Хорезма древнего периода. В регионе, начиная с бронзового века, была налажена производство предметов вооружения. Изготовление вооружения стало специализированной отраслью в VII-VI веков до н.э. В этот период наряду с такими вооружениями как лук, кинжал, меч, копьё и боевые топоры, ремесленниками начали производиться также и доспехи для всадников и их лошадей.

SUMMARY. The article, based on written sources and archaeological materials, examines the weapon craft of the Southern Aral Sea region and Khorezm in the ancient period. The region has produced weapons since the Bronze Age. The manufacture of weapons became a specialized industry in the 7th-6th centuries BC. During this period, armor for riders and her horses began to be produced, as well as weapons such as bows, daggers, swords, spears and battle axes.